

Бюджет ташкилотларида бюджет интизомига риоя қилинишини тақомиллаштириш масалалари

A.Ibragimov

Ж.У.Холмўминов

Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси

Аннотация: Ушбу мақолада бюджет интизомининг моҳияти, иқтисодий аҳамияти ва бюджет ташкилотларида бюджет интизомига риоя этилишини таъминлаш чора-тадбирлари ёритилган

Калит сўзлар: бюджет, бюджет ташкилоти, бюджет маблағи, бюджет интизоми, бюджет назорати

Issues of improving compliance with budget discipline in budget organizations

A.Ibrahimov

J.U.Kholmo'minov

Banking and Finance Academy of Uzbekistan

Abstract: this article describes the essence, economic importance of budget discipline and measures to ensure compliance with budget discipline in budget organizations.

Keywords: budget, budget organization, budget funding, budget discipline, budget control

Молия тизимини ислоҳ қилиш юзасидан олиб борилаётган ўзгаришларнинг марказида давлат бюджетининг шаклланиши ва унинг маблағларидан янада самарали фойдаланиш, бюджет тақчиллиги ўсишига таъсир этувчи омилларнинг олдини олиш, шу билан бирга бюджет маблағларидан фойдаланиш жараёнида бюджет интизомларига риоя этилишини таъминлаш ва бунда молиявий назоратни кучайтириш, қолаверса, самарали молиявий назорат тизимини шакллантириш орқали давлат бюджетининг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги аҳамиятини ошириш масалалари туради.

Бюджет маблағларини шакллантириш ва улардан оқилона фойдаланишга самарали назорат тизимини шакллантирмасдан туриб эришиб бўлмайди. Маълумки, бюджет жараёнининг асосий босқичларидан бири давлатнинг молиявий назорати ҳисобланади. Молиявий назорат мамлакатимизда амалга

оширилаётган назорат фаолиятининг таркибий қисми ҳисобланади.

Давлат бюджети иқтисодиёт ривожланишининг турли боқичларида бюджет сиёсатини амалга ошириш қуроли, мўлжалланган дастурлар ва тадбирларни амалга ошириш учун пул маблағларининг асосий манбаи ҳисобланади. Шу боис, бюджет маблағларидан фойдаланиш юзасидан давлат молиявий назорати молиявий барқарорлик учун шарт-шароитлар яратишга қаратилган давлат молиявий сиёсатини ифодалайди. Давлат молиявий назоратининг бош мақсади давлат хазинасига ресурсларни туширишни максималлаштириш ва бюджет маблағларидан самарали ҳамда оқилона фойдаланишни таъминлашдан иборат.

Шунингдек, давлат молиявий назоратининг олдида турган энг асосий вазифа давлат бюджети олдида мажбуриятларнинг ўз вақтида ва тўлиқ бажарилишини ҳамда бюджет маблағларидан самарали фойдаланишни таъминлашдан иборат.

Бюджет маблағларидан мақсадли фойдаланилишни назорат қилиш ва унинг самарадорлигини ошириш, молиявий назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш муаммоси ҳамиша долзарб масала бўлиб келган ва ҳозирги шароитда ҳам долзарблигича қолмоқда. Бу эса мазкур соҳада илмий тадқиқотлар олиб боришининг нақадар муҳимлигини янада аниқроқ кўрсатиб беради. Шунинг учун ҳам биз мазкур магистрлик диссертация ишимизда ушбу масалани тадқиқ этишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйдик.

Назорат бошқариш циклининг шакли сифатида қабул қилинаётган ёки қабул қилинган бошқарув қарорларининг асосланганлиги ва самарадорлигини баҳолаш, бу қарорларнинг амалга оширилиш даражасини ҳақиқий натижаларнинг ўрнатилган параметрлари ва меъёрий кўрсатмалардан оғиш (фарқ қилиш) даражасини аниқлаш ва салбий ҳолатларни бартараф этишга қаратиладиган бошқарув қарорларини қабул қилиш мақсадида бошқарилувчи обьект фаолиятини кузатиш, солишириш, текшириш ва таҳлил қилиш тизимиdir¹.

Ҳозирги кунда молиявий назоратнинг асосий мақсади текширилаётган обьектда мавжуд бўлган ҳақиқий ҳолатни обьектив ўрганиш ва бошқарув қарорларини қабул қилиш ва ижро этишга салбий таъсир кўрсатувчи омилларни аниқлаш ёки олдини олишдан иборат.

Давлат молиявий назоратнинг бошқарув тизимининг асосий элементи бўлган умуний назорат тизимидағи муҳим ўрни ва аҳамияти шундаки, биринчидан, молия ўзи иқтисодий категория сифатида обьектив тарзда назорат

¹ Нуритдинова В., Шаропова М. Молиявий назорат. Т.: "Иқтисод-молия"-2014 й., 343 б.

функциясини бажаради; иккинчидан, бозор иқтисодиётида молиявий муносабатларнинг роли ошиб боради².

Иқтисодий адабиётларда молиявий назоратнинг таърифлари жуда кўплаб учрайди ва уларнинг ҳар бири молиянинг ўзига хос характеристидан, муаллифнинг ёндашувидан, ҳамда таҳлил қилинган макон ва замоннинг таъсири остида турлича баён этилган.

Масалан, россиялик иқтисодчи олим Н.С.Малеин “Молиявий назорат - молиявий, кредит ва хўжалик органлари (ташкилотлари)нинг режаларни бажарилиши жараёнида молиявий, бюджет, солиқ, кредит, ҳисоб-китоб ва касса интизомини таъминланишига қаратилган ва пул харажатларининг қонунийлиги, асослиги ва оқилоналиги текширишдан иборат қонун нормалари билан тартибга солинувчи фаолиятидир”³ деб таърифлайди. Фикримизча, бу таъриф кўпроқ молиявий назорат объектларини ифодалаб, назорат субъектларини ёритмаган.

И.А.Белобжецкий берган таърифда “Молия-хўжалик назорати деганда назорат вазифалари юклатилган давлат ва жамоат органларининг корхоналар, бирлашмалар, муассасалар, ташкилотлар ва моддий ишлаб чиқариш ҳамда ноишлаб чиқариш соҳаларининг молия-хўжалик фаолияти устидан бу фаолиятнинг иқтисодий самарадорлигини холис баҳолаш, хўжалик ва молиявий операцияларнинг қонунийлиги, тўғрилиги ва мақсадга мувофиқлиги, давлат ва жамоат мулкининг сақланишини, ишлаб чиқариш самарадорлигини ва давлат бюджети даромадларини оширишнинг ички хўжалик имкониятларини аниқлаш мақсадида амалга ошириладиган назорат тизими” эканлиги қайд этилади⁴. Ўйламизки, бу таъриф молиявий назоратга берилган мукаммалроқ таърифлардан биридир. Чунки, унда назорат қилувчи субъектлар томонидан назорат объектларини қандай мақсадларни кўзлаб назорат қилиниши ёритилган.

Молиявий назорат ва унинг аҳамияти борасида Н.Д.Бровкина қуйидиги фикр-мулоҳазалари ҳам аҳамиятга эга: “Молиявий назорат органларининг вазифаси, энг аввало, давлат Қонунлари ва Президент фармонларининг ижроси, Парламент томонидан ажратилган бюджет маблағлари йўналтирилишининг қонунийлиги, тўғрилиги ва мақсадга мувофиқлигини, хукумат ва унинг органлари фаолиятининг самарадорлигини, молиявий ва моддий ресурсларни бошқаришнинг барча даражаларида давлат маблағлари самарали ва тежаб-тергаб сарфланишини текширишга йўналтирилиши керак. Назоратнинг вазифаси йўл қўйиладиган четга чиқиш меъёрларини малакали белгилашдан иборат, қолган барча четга чиқишиларни қайд этиш ва бартараф қилиш талаб қилинади.

² Тўлахўжаева М.М. Ўзбекистон Республикаси молиявий назорат тизими Т.: «Иқтисодиёт ва хукуқ дунёси», 1998 й. 262 б.

³ Малеин Н.С. Кредитно-расчетные правоотношения и финансовый контроль.–М.: Наука.-2009 г. 248 стр.

⁴ Белобжецкий И.А. Финансово-хозяйственный контроль в управлении экономикой.–М.: Финансы и статистика, .-2011 г. 302 стр.

Бошқарувнинг ички ва ташки хўжалик жараёнларини кузатиш, текширишни амалга оширап экан, назорат бозор иқтисодиётида, бу харажатларининг ҳаммаси фақат самарали бошқариш учун фойдали бўлгандагина мавжудлик хуқуқига эгадир⁵. Кўриниб турибдики, юқоридаги таърифда молиявий назорат бозор иқтисодиёти шароитида объектив зарурлиги таъкидланиб, уни амалга оширишда назорат субъектлари ҳатти-ҳаракатлари ҳам катта аҳамиятга эгалиги қайд этилган.

Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодексида давлат молиявий назорати тафтиш, текшириш (шу жумладан бюджет тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг аввалги тафтишда ёки текширишда аниқланган бузилиши ҳолларини бартараф этиш юзасидан назорат тартибидаги текшириш) ва ўрганиш шаклида амалга оширилиши белгиланган⁶.

“Бюджет интизоми” тушунчасининг маъно-мазмунни ёки моҳиятини ифодалашда “интизом” тушунчаси бирламчи аҳамият касб этар экан, шунга мувофиқ равища “интизом” тушунчасининг моҳиятига қисқача тарзда тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Шу муносабат билан қайд этиш жоизки, “интизом” тушунчаси, содда қилиб айтадиган бўлсак, маълум бир шакл ва усулда ўрнатилган тартиб-қоидаларга қай даражада риоя этилишини англаради.

“Бюджет интизоми” тушунчасининг мазмун-моҳияти тўғрисида фикрлар шакллантирилаётган экан бюджет интизомининг молиявий интизомнинг таркибий қисми эканлигини ҳам қайд этиб ўтишимиз керак. Ҳақиқатдан ҳам, бюджет ва бюджет муносабатлари молия ва молиявий муносабатларнинг таркибий қисми бўлганлиги учун, шунга мос равища, бюджет интизоми молиявий интизомнинг таркибий қисмидир, деб хulosса чиқариш ўзининг мантиқий асосига эгадир. Шу маънода, бюджет интизомининг ҳаракат этиш доираси молиявий интизомнинг ҳаракат этиш доирасига нисбатан анча торроқдир. Бошқача сўзлар билан ифодаланадиган бўлса, “молиявий интизом” дейилган пайтда ҳамма вақт ҳам “бюджет интизоми” назарда тутилган бўлиши мумкин. Лекин “бюджет интизоми” дейилган пайтда ҳамма вақт ҳам молиявий интизом назарга тутилавермайди.

Молиявий интизомнинг таркибий қисми сифатида бюджет интизоми бюджет тизими ва бюджет жараёнлари орқали намоён бўлади. Шунингдек, бюджет интизомининг намоён бўлишини бюджет назоратисиз тасаввур этишнинг сира иложи йўқ. Бир вақтнинг ўзида, бюджет, бюджет тизими ва бюджет жараёнларини тартибга солиб турувчи қонунлар, бюджет тизимининг асосий тамойиллари, бюджет тизимига оид меъёрий ҳужжатлар, йўриқномалар

⁵ Бровкина Н.Д. Основы финансового контроля: учебное пособие / Под ред. М.В. Мельник.–М.: Магистр, 2010 г. 286 стр.

⁶ Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 173-моддасининг 1-банди

ва тартибларнинг талабларисиз бюджет интизомининг маъно-мазмунини ифодалаб бўлмайди.

Шундай қилиб, юқорида келтирилган мулоҳазаларга асосланган ҳолда, бизнинг фикримизча, бюджет интизомининг маъно-мазмуни ёки моҳиятини ифодалайдиган қуидагича мустақил муаллифлик таърифини беришимиз мумкин.

Бюджет тизими ва бюджет жараёнларида вужудга келадиган, барча босқичларда қонун, бюджет тизимининг асосий тамоиллари, бюджет тизими тўғрисидаги меъёрий хужжатлар, йўриқнома ва тартиблар талабларига амал қилинишининг бюджет назорати орқали ифодаланишига бюджет интизоми дейилади.

Шу ўринда бюджет интизомининг олдига қўйилган мақсадларни аниқлаш, бизнинг назаримизда, алоҳида аҳамият касб этади. Тегишли таҳлил ишларини амалга ошириш ва уларнинг натижаларини умумлаштирган ҳолда бюджет интизомининг олдига қуидаги мақсадларга эришишининг қўйилганлигини аниқлашимиз мумкин:

1. Бюджет маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланишда уларнинг мақсадлилигини таъминлаш;
2. Бюджет маблағларидан фойдаланишда уларнинг самарадорлигига эришиш;
3. Бюджет маблағларидан фойдаланишда уларнинг тартиблилигини таъминлаш;
4. Бюджет маблағларидан фойдаланишда уларнинг қонунийлигига эришиш.

Бюджет интизомининг олдига қўйилган ана шу мақсадларга эришиш амалиётда қандай содир бўлаётганлигини аниқлаш орқали уни мустаҳкамлашнинг зарурлиги ёки зарур эмаслиги тўғрисида тегишли хulosалар чиқариш мумкин. Муаммога ана шу тарзда ёндошиб, тегишли таҳлил ишларини амалга ошириш натижасида ҳозирги бизнинг шароитимизда бюджет интизомининг олдига аниқ мақсадлар қўйилган бўлишига қарамасдан бюджет интизомига риоя этиш даражасининг, маълум даражада, паст эканлигини аниқлашимиз мумкин. Тегишли субъектларнинг (бюджетдан молиялаштириладиган муассасалар бу ерда марказий ўринни эгаллайди) фаолиятида бюджет интизомига риоя этишнинг юқоридаги максадларига тўлиқ эришилаётмаганлиги ана шундай хulosса чиқарилишига асос бўлади.

Бюджет интизомининг мазмун-моҳиятини очиб беришда уни характерловчи кўрсаткичлар муҳим роль ўйнайди. Ўз навбатида, бу кўрсаткичлар бюджет назорати жараённида майдонга чиқади. Ҳақиқатдан ҳам, мамлакатда бюджет интизоми аҳволининг қандайлигини маълум бир кўрсаткичлар тизимисиз аниқлашнинг иложи йўқ.



1-расм. Бюджет интизоми ва назорати кўрсаткичлари тизими⁷

Умумлаштирилган ҳолда ишлаб чиқилган расмдан кўриниб турибдики, бюджет интизоми ва унинг назоратини характерлайдиган кўрсаткичлар тизими қўйидаги 4 блокни ўз ичига олувчи кўрсаткичлардан иборат бўлиши мумкин:

1. Бюджет интизоми ва назоратининг таркибий тузилишини (структурасини) характерлайдиган кўрсаткичлар;
2. Бюджет интизоми ва назоратининг механизмини ифодаловчи кўрсаткичлар;

⁷ Турабов Б.Т. Бюджетдан молиялаштирилаётган муассасаларда бюджет интизомини мустаҳкамлаш масалалари. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация авторефати. Т. -2007.

3. Бюджет интизоми ва назорати жараёнини характерловчи кўрсаткичлар;

4. Бюджет интизоми ва назоратининг амалга ошириш тизимини ифодаловчи кўрсаткичлар.

Бюджет назоратини амалга оширишдан мақсад бюджет маблағларини ҳосил қилиш ва ишлатишида мақсадлилик, самарадорлик, тартиблилик, қонунийликнинг таъминланишига эришиш зарурлигидан иборатлигига эътиборни қарасак, бунда бюджет интизоми ва унинг назоратида қуйидаги 1-расмда кўрсатилган муҳим кўрсаткичлар тизимидан фойдаланиш катта аҳамиятга эга ҳисобланади.

Тадқиқот ишимизда бюджет интизоми ва назоратининг ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичларнинг барчасини кўриб чиқиш вазифа қилиб қўйилмаганлиги учун ва тадқиқотнинг мақсадини ҳисобга олган ҳолда биз ушбу параграфда ўзимизнинг диққат-эътиборимизни фақат бюджет интизоми ва назорати жараёнини характерловчи кўрсаткичларни аниқлашга қаратиш билан чекланамиз.

Республикамиздаги ҳақиқий вазиятга холисона баҳо бериб бюджет маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланишида уларнинг мақсадлилиги тўлиқ таъминланаяпти, самарадорлигига эришилаяпти, тартиблилигига тўлиқ риоя қилинаяпти ва уларнинг қонунийлигига тўлиқ эришилаяпти, деган фикрни билдириш ўзининг асосига эга эмас. Албатта, бу жойда кейинги йилларда республикамизнинг тегишли органлари (Молия вазирлиги ва унинг тасарруфидаги тегишли органлар) томонидан бюджет интизомини мустаҳкамлаш борасида кескин ишларнинг амалга оширилганлигини ҳам холисона эътироф этишимиз керак. Бу соҳада, айниқса, кейинги йилларда Молия вазирлиги Назорат-тафтиш Бош бошқармаси ва Ўзбекистон Республикаси Ғазначилигининг фаолияти айниқса, диққатга сазовордир. Лекин, шундай бўлишига қарамасдан, ҳамон амалиётда содир бўлаётган фактлар бюджет интизомига риоя этишнинг янада юқори пағонага қўтаришнинг зарур эканлигини кўрсатмоқда.

Шу муносабат билан қайд этиш лозимки, бизнинг назаримизда, бу вазифани бюджет жараёнининг барча босқичлари, бюджет жараёнида вужудга келаётган муаммолар, Назорат-тафтиш бош бошқармаси ва унинг худудий органлари томонидан бюджет интизомига риоя қилиниши устидан доимий назоратни амалга ошириш учун унинг олдига қўйилган асосий вазифалардан келиб чиқсан ҳолда бюджет интизомини характерловчи асосий кўрсаткичларни белгилаб олиш орқали бажариш мақсадга мувофиқдир. Ана шулар ҳисобга олинадиган бўлса, бизнинг фикримизча, бюджет интизомининг аҳволини характерлайдиган кўрсаткичлар тизими қаторига қуйидагиларни киритишимиз мумкин:

1. Давлат бюджетининг қатъий бажарилиши устидан доимий назоратни таъминлашга оид кўрсаткичлар;

Бу тоифага кирувчи кўрсаткичлар мамлакат ёки унинг алоҳида олинган худудлари миқёсида бюджет интизомининг умумий аҳволига баҳо беради. Улар, бир томондан, тегишли бюджетлар даромадларининг шаклланиш жараёнларини ўзида ифода этса, иккинчи томондан, бюджет харажатларининг сарфланиш жараёнларини ўзида умумлаштирилган шаклда акс эттиради.

2. Молия органлари, бюджет муассасалари ва тижорат банкларининг бюджетнинг иқтисодий белгилар бўйича харажатлар гурухларини молиялаштиришда сарф-харажатлар навбатига, ҳамда бюджет муассасалари ходимларига иш ҳақи, ижтимоий нафақалар, стипендияларни тўлаш муддатларига ва тўлиқлилигига риоя қилиш, бюджет муассасаларига кўрсатиб ўтилган мақсадлар учун нақд пул бериш бўйича фаолияти устидан назорат ва мониторингни амалга оширишга доир кўрсаткичлар;

3. Штат-смета интизомига ва бюджет маблағларини хўжалик эҳтиёжларига сарфлаш лимитларига риоя қилиши устидан назорат олиб боришга оид кўрсаткичлар;

Бу кўрсаткичлар бюджетдан молиялаштириладиган муассасаларда бюджет интизомининг аҳволини тавсифлашда марказий ўринни эгаллаганлиги учун мамлакатимизда кейинги пайтларда уларга ҳам алоҳида аҳамият қаралаётганлигининг гувоҳи бўлишимиз мумкин.

4. Бюджет маблағларини коммунал хизматлап ва электр энергиясига сарфлаш лимитларига риоя этилишини мунтазам равишда текшириб боришга доир кўрсаткичлар;

Мамлакатимизда бозор муносабатлари қарор топаётган ва мол етказиб берувчилар ҳамда истеъмолчилар ўртасидаги тўловларга оид ўзаро ҳисоб-китоб муносабатлари ўткирлашиб турган бир пайтда бюджет интизомининг аҳволини характерлайдиган кўрсаткичлар тизимининг таркибига юқоридаги кўрсаткичларнинг киритилганлиги, бизнинг назаримизда, алоҳида аҳамият касб этиши, шубҳасизdir.

5. Ижтимоий нафақаларнинг ўз вақтида маблағ билан таъминланишини ва уларни кам таъминланган оилаларга фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органлари орқали берилишини назорат қилишга доир кўрсаткичлар;

Бюджет интизомининг аҳволини характерловчи кўрсаткичлар сифатида бу кўрсаткичларнинг муҳим аҳамиятга эга эканлиги ва роли ҳозирги пайтда бозор иқтисодиётига ўтилиши муносабати билан Ўзбекистон шароитида, айниқса, аҳоли маълум қатламларини ижтимоий ҳимоя қилиш масалаларининг ўта долзарб аҳамият касб этиши билан белгиланади.

6. Ҳокимият ва бошқарув органлари раҳбарлари ва мансабдор шахсларнинг бюджет жараёнига асоссиз аралашиш ҳолларининг олдини олишни характерловчи кўрсаткичлар;

Маҳаллий ҳокимият органлари раҳбарлари ва бошқа мансабдор шахсларнинг бюджет жараёнига асоссиз аралашувини олдини олиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекснинг 175²-моддасига мувофиқ мансабдор шахсларнинг «Бюджет интизомини бузиш» бўйича маъмурий хуқуқбузарликлариға тегишли жазо чоралари белгиланган.

Шундай қилиб, юқорида баён этилганлардан кўриниб турибдики, ҳозирги амалиётда бюджет интизомининг ахволини характерлайдиган кўрсаткичларни, шартли равища, бир неча гурухга бўлиш мумкин. Гарчи бу йўналишларнинг ҳар бири бўйича кейинги йилларда талайгина ишларнинг қилинганлигини, айрим ҳолларда эса бюджет интизомини янада мустаҳкамлаш борасида кескин чораларнинг кўрилганлигини эътироф этиш мақсадга мувофиқ бўлса-да, амалга оширилган таҳлил натижаларининг кўрсатишича, ҳамон бу йўналишда ўзининг ҳал этилишини кутаётган муаммоларнинг мавжуд эканлигини аниқлашимиз мумкин.

Жумладан, бюджет интизомининг ҳозирги ахволи республика ва маҳаллий бюджетларнинг қатъий бажарилишини ҳамма вақт ҳам таъминламаяпти. Молия органлари, бюджет муассасалари ва тижорат банкларининг бюджетнинг иқтисодий белгилар бўйича харажатлар гуруҳларини молиялаштиришда сарф-харажатлар навбатига, ҳамда бюджет муассасалари ходимларига иш ҳақи, ижтимоий нафақалар, стипендияларни тўлаш муддатларига ва тўлиқлилигига риоя қилиш, бюджет муассасаларига кўрсатиб ўтилган мақсадлар учун нақд пул бериш бўйича ишлар бозор иқтисодиётининг талаблари даражасида эмас. Бюджетдан молиялаштириладиган муассасаларда штат-смета интизомига ва бюджет маблағларини хўжалик эҳтиёжларига сарфлаш лимитларига риоя қилиш ҳолатини, тўлиқ даражада, ижобий баҳолаб бўлмайди. Бюджет маблағларини коммунал хизматлап ва электр энергиясига сарфлаш лимитларига риоя этилиши ҳолатларини ҳам худди шундай баҳолаш мумкин. Ижтимоий нафақаларнинг ўз вақтида маблағ билан таъминланишида ва уларни кам таъминланган оиласаларга фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органлари орқали берилишида ҳам жиддий нуқсонларга йўл қўйилаяпти, улар ҳақли равища мамлакатимиз аҳолисининг турли эътиrozларига сабаб бўлмоқда. Ҳокимият ва бошқарув органлари раҳбарлари ва мансабдор шахсларнинг бюджет жараёнига асоссиз аралашиш ҳолларига узил-кесил чек қўйилмаган. Ва ниҳоят, фуқароларнинг молия ва бюджет интизоминининг бузилиши ҳоллари тўғрисидаги хатлари, шикоятлари ва аризалари ҳамон давом этмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодекси, 2014 й.
2. Белобжецкий И.А. Финансово-хозяйственный контроль в управлении экономики финансы и статистика, 2011 г.
3. Бровкина Н.Д. Основы финансового контроля: учебное пособие / Под ред. М.В. Мельник.–М.: Магистр, 2010 г.
4. Малеин Н.С. Кредитно-расчетные правоотношения и финансовый контроль.–М.: Наука.-2009 г.
5. Нуритдинова В., Шаропова М. Молиявий назорат. Т.: “Иқтисод-молия”- 2014 й
6. Тўлахўжаева М.М. Ўзбекистон Республикаси молиявий назорат тизими Т.: «Иқтисодиёт ва хуқуқ дунёси», 1998 й.
7. Турабов Б.Т. Бюджетдан молиялаштирилаётган муассасаларда бюджет интизомини мустаҳкамлаш масалалари. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация авторефати. Т. -2007.
8. Nizamiddin Khaydarov. Agricultural Development in Uzbekistan: Agricultural Reforms versus Transboundary Water Issues. Developing Country Studies. ISSN 2224-607X (Paper) ISSN 2225-0565 (Online) Vol.5, No.10, 2015
9. Nizamiddin Khaydarov. INTERNATIONAL EXPERIENCE OF THE DEVELOPMENT OF TOURISM IN UZBEKISTAN. 2021
10. Ҳайдаров Н.Х. Молия: умумдавлат молияси. Т.: Иқтисод-молия, 2009
11. N Xaydarov. Soliqlar va soliqqa tortish masalalari. O 'quv qo 'llanma. Toshkent: Akademiya, 2007
12. G.G. Nazarova, N.X.Xaydarov, M.T.Akbarov. Xalqaro iqtisodiy munosabatlar. - Т.: MChJ “RAM-S”, 2007
13. ТС Маликов, НХ Ҳайдаров. Молия: умумдавлат молияси. Тошкент:«IQTISOD-MOLIYA, 2009
14. Т.Маликов, Н.Ҳайдаров. Бюджет: тизими, тузилмаси, жараёни. 2007
15. Т.С. Маликов, Н.Х. Ҳайдаров. Финансы: государственные финансы. Учебное пособие. Экономика и финансы. Ташкент. 2009
16. Zaripov Khusan Bakhodirovich. Trends in the Development of the Tax System of the Republic of Uzbekistan. Texas Journal of Multidisciplinary Studies, 2022
17. Zaripov Khusan Bakhodirovich. Current state of taxation of commercial banks in our country. British Journal of Global Ecology and Sustainable Development. 2022/11/1
18. Мутабар Жураевна Темирханова, Хусан Баходирович Зарипов, Ли Шаоминь. Совершенствование цифровой мобильной связи в современном мире. Бюллетень науки и практики, 2020

19. Зарипов Хусан Баходирович. Методологический конструктив налогового анализа влияния системы налогообложения на деятельность хозяйствующего субъекта. Международный научно-образовательный электронный журнал «Образование и наука в XXI веке» 2021/11
20. Хусан Зарипов. Налоговое планирование предприятий в Республике Узбекистан. Общество и экономика, 2019
21. ОА Шодиев. Особенности применения упрощенной системы налогообложения в Узбекистане. Актуальные проблемы гуманитарных и естественных наук. 2017
22. Olimjon Shodiev. Excise tax: general and special. Академические исследования в современной науке. 2022/12/5
23. ОА Шодиев. Акцизное налогообложение в Узбекистане: общее и особенное. Экономика и бизнес: теория и практика. 2022
24. ОА Шодиев. Акцизный налог в Узбекистане: особенности и проблемы современного развития. Экономика и бизнес: теория и практика. 2021
25. U O'roqov, Zulayho Abdujobir qizi Tursunova. O'zbekistonda davlat tashqi qarzini samarali boshqarishda davlat qarziga xizmat ko'rsatish kafolat jamg'armasining o'rni. Science and Education, 2022
26. У Ўроқов. Маҳаллий бюджетлар мустақиллигини оширишнинг устувор йўналишлари. Science and Education, 2022
27. У.Ю.Ўроқов. Маҳаллий бюджетлар шаффоғлиги ва очиқлигини таъминлашнинг устувор йўналишлари. Бизнес-Эксперт журнали, 2020 й. 4-сон.
28. У.Ўроқов. Давлат харидлари тизимида электрон харидлар ҳажмини ошириш масалалари. 2021
29. У Уроков. Max, аллий бюджетлар мустақиллигини оширишнинг устувор йұналишлари. Science and Education" Scientific Journal/ISSN. 2022/6
30. У.Ю.Ўроқов. Кишлоқ хўжалиги субъектларини солиқ имтиёzlари орқали рағбатлантириш. Иқтисодиёт ва таълим. 2015
31. УЮ Ўроқов, ФШ Сулаймонов. Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида электрон ахборот алмашишнинг аҳамияти ва уни такомиллаштириш масалалари. 2014/9
32. U O'roqov, Zulayho Abdujobir qizi Tursunova. O'zbekistonda davlat tashqi qarzini samarali boshqarishda davlat qarziga xizmat ko'rsatish kafolat jamg'armasining o'rni. Science and Education. 2022/6/30
33. U.Yu.O'roqov. Davlat xaridi. O 'quv qo 'llanma. T.:«Nihol print» OK, 2022
34. У.Ўроқов. Ғазначилик тизимида бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш масалалари. 2017
35. Ўзбекистонда давлат харидлари тизимини такомиллаштириш масалалари. 2014

36. Uchqun O'roqov, Javohir Yomg'Irov. Davlat xaridlarini tashkil etish modellari: afzalliklari va kamchiliklari. *Science and Education*, 2022
37. У Ўроқов. Бюджет маблағларидан самарали фойдаланишни таъминлаш йўллари. 2017
38. У Ўроқов. Ўзбекистонда давлат харидлари тизимини такомиллаштириш масалалари. 2014
39. Uchqun Yunusovich O'roqov, Farzona Axmadqul Qizi Abduazimova. Davlat maqsadli jamg'armalarining mamlakatni ijtimoiyiqtisodiy rivojlantirishdagi ahamiyati. *Science and Education*. 2022
40. УЮ Уроков, КР Чинкулов. Узбекистонда давлат харидларининг такомиллашувининг хукукий асослари. *Халкаро молия ва хисоб» журнали*. 2017
41. УЮ Уроков. К, ишлок хужалиги субъектларини солик имтиёzlари оркали рағбатлантириш. *Иктисодиёт ва таълим*. 2015
42. Urokov Uchkun Yunusovich, Toshmatova Rano Gaipovna, Sharapova Mashhura Azadovna, Ismailova Nasiba Komiljonovna, Isaev Husan Mansurovich. Matters of revenue generation and cost optimization while increasing the efficiency of the state budget. *Journal of Hunan University (Natural Sciences)*. 2021/12
43. У Уроков. Узбекистон Республикасининг бюджет кодекси: моҳияти, ахамияти ва афзалликлари. *Молия" журнали*, 2014
44. У Уроков. Махаллий бюджетлар мустакиллигини оширишга оид назарий карашлар. 2020
45. SHERALI SULTONOV, SHERZOD ALILOV, JASUR RAZZAKOV, KHUSAN ISAEV. DEVELOPMENT WAYS OF STOCK MARKET IN UZBEKISTAN (IN THE CASE OF "TASHKENT" REPUBLICAN STOCK EXCHANGE). *Journal of Critical Reviews*.2020
46. Sherali Sultonov Nuraliyevich, Nodira Soatova Bobokhanovna. Ways of Fund Market Development in Uzbekistan. *Eurasian Scientific Herald*.2022
47. Sherali Sultonov. Directions of state regulation of the stock market. *International Journal of Economic Growth and Environmental*. 2021
48. Sherali Sultonov, Nodira Soatova. Factors strengthening the tax base of local budgets. *Journal of Hunan University*. Vol. 49. No. 12 December 2022